

“Ҳоким ва ёшлар” учрашуви: Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессансни ёшларимиз билан қурамиз!



Давлатимиз раҳбарининг ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш ҳамда улар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан белгилаб берган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида туман ҳокими Шухрат Назаров ёшлар билан учрашув ўтказди. Тадбирда туман сектор раҳбарлари ҳам иштирок этишди.

– Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, сиз ёшлар Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинасиз. Сизлар билан Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессансни қуришни мақсад қилганмиз. Бунинг учун ёшларимиздан пухта билим олиб, ўз устиларида кўпроқ ишлари талаб этилади. Биз раҳбарлар эса сизларга бунинг учун шароит яратиб беришга масъульмиз – дея таъкидлади туман раҳбари.

Очиқ мулоқот шаклида ўтказилган учрашув давомида ёшларнинг муаммо, мурожаат ва таклифлари тингланди. Ҳар бир мурожаат алоҳида назоратга олиниб, ижросига масъул белгилаб берилди. Ёшлар билан манзилли ишлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий реабилитация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг бориши ҳақида ахборот берилди.

Шунингдек, бу борадаги ишларни намунали ташкил этаётган бир гуруҳ маҳалла ёшлар етакчилари туман ҳокимлиги ташаккурномалари ва совғалари билан тақдирланишди.

Тадбир сўнгида туман ҳокими сектор раҳбарлари билан Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази фаолияти билан танишишди.